


**Б**угун ҳар бир соҳанинг ривожини электр энергиясисиз тасаввур қилиб бўлмайди. У аллақачон ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурган. Шу маънода юртдошларимиз, хусусан, олис ҳудудларда фаолият юритаётган тадбиркорларни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш долзарб масала ҳисобланади. Бироқ ҳали бажарилиши керак бўлган юмушлар борлигини таъкидлаган ҳолда айтиш керак-ки, ўтган қисқа муддатда бу борада кўпгина амалий ишларга қўл урилди.



# Ўзбекистон нега Афғонистонга электр энергиясини экспорт қилади?

## Режадаги ишлар күлами кенгайды

Сүнгги йилларда электр энергияси таъминотида кескин ўзгаришлар бўлганини халқимиз ҳақли равишда эътироф этяпти. Аммо бу соҳада муаммолар йўқлигини англатмайди. Ўтган йилларда бошланган ислохотлар бутун ҳам жадал суръатларда олиб борилмокда. Жумладан, Президентимиз-нинг 2016 йил 23 ноябрдаги «2017-2021 йилларда паст кучланишли электр тармоқларини янада модернизация қилиш ва янгилаш дастури тўғрисида»ги қарори асосида жорий йилда 7 минг 157,4 км. узунликдаги электр тармоқлари, 2 минг 590 та трансформатор пунктларини модернизация ва реконструкция қилиш ишлари жадал суръатларда амалга ошириляпти.

Бундан ташқары, «Обод кишилек» дастури доирасида 481 та кишилекта 2 минг 339,2 км. узунылғандағы электр узатыш тармоқлари ва 844 дона трансформатор пунктини, «Обод маҳалла» дастури доирасида эса 115 та маҳаллада 151,6 км.ли электр тармоқлари ва 236 дона трансформатор пунктини мукаммал таъмирлаш күзда тутилған. Бу ишлар бевосита халқымиз фаровонлигига хизмат қиласы, албатта. Уларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимиз ҳудудларидағи 3,2 мингдан ортиқ маҳалла ва кишилеклардаги 3,1 млн.дан ортиқ ахоли хонадонларида электр энергияси таъминоти янада яхшиланади.

Шу билан биргә, күз-қиши мавсумига тайёргарлик ишлари доирасида халқимиздан келиб түшгән мурожаатлар асосида 20 минг 294,3 км. узунлиқдаги электр узатиш тармоклари ва 6 минг 796 дона трансформатор пунктінде мукаммал таъмирлаш ишлари олиб борилди. Бу рақамлар ортида инсонлар тақдирі, тадбиркорлар манфаати турғанини ҳар бириңиз яхши ҳис этамиш. Шу боис бундай саъй-харакатларимизни боскичма-боскич амалга ошириш давом эттирилади..

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ УМУМАН ЭКСПОРТ ҚИЛМАСДАН ИЧКИ ИМКОНИЯТЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШГА САРФЛАСАК БҮЛМАЙДИМИ? БУ ОРҚАЛИ ТИЗИМДАГИ УЗИЛИШЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУМКИН-КУ?

«Ўзимизда  
етишмайдиу, яна  
экспорт қиламиз...»

Мамлакатимизнинг юкори кучланишши ҳаво линиялари чегарадош давлатларнинг магистраль электр тармоклари билан барқарорликда ишлашини кўпчилик яхши билади. Кўшни мамлакатлар диспетчерлик хизматлари ўзаро мувофиқлашув асосида минтақанинг энергия хавфсизлигини таъминлайди. Бунинг сабаби оддий: магистраль электр тармоқ лойиҳалари МДҲ давлатлари ҳали собик иттифок таркибида бўлганида лойиҳалаштирилган ва бирбирига чамбарчас боғлиқ ҳолда курилган.

Демак, Ўзбекистон электр энергиясини экспорт қилиши билан бир пайтда импорт хам килади. Шу кеча-кундузги маълумотларга қарайдиган бўлсак, электр ва газ бўйича Ўзбекистоннинг экспорт ва импорт сальдоси — ноль. Яъни биз ташқарига қанча берсак, яна шунча оляпмиз ва бу сиёсатни кейинчалик хам давом эттиришни режалаштирганмиз.

## **МАВЗУГА ОИД МАЪЛУМОТ:**

Жорий йил 1 ноябрь ҳолатига кўра, мамла-  
катимизда электр энергиясидан фойдаланувчи  
юридик истеъмолчиларнинг сони 303,9 минг,  
майший истеъмолчилар (аҳоли)нинг умумий  
сони эса 6,601 млн. кишини ташкил этади.

Айни пайтда электр энергиясини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаширилган тизимини жорий этиш ишлари ҳам изчил амалга оширилмоқда. «Худудий электр тармоклари» АЖ томонидан ҳозирги кунга қадар мамлакатимизнинг 68 та туман ва шаҳарида 1,8 миллиондан зиёд замонавий электр ҳисоблагичлар ўрнатилди. Йил якунига қадар 2,5 миллиондан ортиқ электр ҳисоблагичлар ўрнатилиши режалаштирилган бўлиб, 2020 йил якунига бориб 7 миллиондан ортиқ истеъмолчининг барчаси ушбу тизимга тўлиқ уланиши кутилмоқда.

Ушбу замонавий электр ҳисоблагичлар иsteъmolчиларга «Худудий электр тармоқлари» АЖ маблағлари эвазига мутлақо бепул ўрнатиб берилмокда.

Содда килиб айтганда, ички истеъмол учун мўлжалланган электр энергияси Афғонистонга экспорт килинмайди сен тинч! Мазкур амалиёт асосида хукуматлараро келишувлар ҳам мужассам.

«Электр энергиясини умуман экспорт қилмасдан ички имкониятларни көнгайтиришга сарфласак бўлмайдими?», «Бу орқали тизимдаги узилишларнинг олдини олиш мумкинку?» деган саволлар туғилиши табиий. Бунга жавобан айтиш лозимки, қарийб бир асрлик давр мобайнида электр энергияси тармоклари такомиллашиб, уни ишлаб чиқариш, узатиш, тақсимлаш, таъмирлаш, лойиҳалаштириш каби ва шунга ўхшаш муҳим вазифаларни энг осон ва арzon йўлларини кидириш нуктаи назаридан тизим шаклига келтиришган.

Иккинчидан, масала сиёсий-иктисодий аҳамият касб этади. Алоҳида таъкидлаш жоизки, электр энергияси экспортининг иктиносидий томони иккиламчи бўлиб, асосий мақсад – кўшини Афғонистонни ижтимоий-иктисодий томондан қўллаб-куватлаш, шу йўл билан афғон диёрида барқарор вазиятни таъминлашга ҳисса қўшишдан иборат. Сабаби, кўшининг тинч,

## Қачон барқарор электр энергияси таьминотига эга бўламиз?

Юқорида айтилганидек, соҳада ечимини кутаётган муаммоларни ҳал этиш бора-сида катта амалий ишлар бажа-риляпти. Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вактда мамлакатда ишлаб чиқарилаётган электр энергиясининг умумий ҳаж-



мини фақат ўн фоизи қайта тикланувчи энергия манбалари ҳиссасига түғри келмоқда.

Дархақиқат, соҳада катта салоҳият мавжуд бўлишига қарамай, куёш ва шамол сингари қайта тикланувчи энергия манбаларининг имкониятларидан тўлиқ даражада фойдаланимаяпти. Президентимизнинг 2019 йил 22 августдаги «Иктисадиёт тармоклари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришнинг тезкор чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-4422-сон карори талабалирининг тўлақонли бажарилиши бу борадаги муаммоларга ечим бўлади, деб хисоблаймиз.

Унга кўра, хорижий тажрибани инобатга олиб, мавжуд ресурсларни ва ишга солинмаган салоҳиятни жалб этиш орқали энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологиялар ва қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш, иқтисодиёт тармоклари ва ижтимоий соҳанинг энергия сарфи ҳажмини кескин камайтириш борасидаги ишлар комплекс ташкил

20 минг 294,3 км.  
узунликдаги электр  
узатиш тармоқ-  
лари ва б минг 796  
дона трансфор-  
матор пунктнда  
мукаммал таъмир-  
лаш ишлари олиб  
борилди.

этилади. Жумладан, тизимли равишда хусусий хонадонларда қуёш фотоэлектрик станциялари (үртача 2 кВт) ва қуёш сув иситкичлари (үртача 200 литр) ўрнатилиши билан амалга оширилади. Шу билан бирга, қарорда ушбу курилмаларни сотиб олишда ахолига қатор имтиёзлар тақдим этилиши кўзда тутилган.

Энергетика соҳасини ри-  
вожлантирумай, унга замонавий  
технологияларни етарлича жо-  
рий этмасдан туриб, истеъмол-  
чилар талабини тўла кондириш  
имконсиз. Мухими, бугун бу  
борада салмоқли қадам таш-  
ланмоқда ва бу жараён узлук-  
сиз давом этирилади. Шуни  
ишонч билан айтамизки, энди  
аввалги йиллардагидек, истеъ-  
молчиларни табақалаштириб,  
турли чекловлар жорий этил-  
майди. Баъзи вактда қисқа муд-  
датли узилишлар факат айрим  
худудларни электр энергиясини  
узатиш тизимларини техник  
холатидан ҳамда зарурий таъ-  
мирлаш, авария холатларини  
тезкор олдини олиш билан боғ-  
лиқ ҳолда келиб чиқиб амалга  
оширилиши мумкин.

Дилшод ЮСУПАЛИЕВ,  
Энергетика вазирлиги  
хузуридаги Энергия  
самарадорлик Департа-  
менти баш мутахассиси.